

“МАЖОЛИС УН-НАФОИС” ВА “ЛАТОЙИФНОМА” ТАЗКИРАЛАРИДА ЗУЛЛИСОНАЙНЛИК АНЬАНАСИ ИФОДАСИ

Бобур Қурбонов

Самарқанд давлат чет тиллар институти
Яқин шарқ тиллари ўқитувчиси (Ўзбекистон)
Тел: +998973970300

АННОТАЦИЯ

Мақолада “Мажолис ун-нафоис” ва “Латойифнома” тазкираларида зуллисонайнлик, яъни икки тиллилик анъанасининг ифодаси хусусида фикр юритилади. Маълумки икки тилда ижод қилиши туркий ва форсий халқлар адабиётидаги муҳим анъаналардан бири ҳисобланади. Адабиётшунослигимизда туркий ва форсий тилларда ижод қилган кўплаб шоирлар хусусида маълумот берилган. “Мажолис ун-нафоис” ва “Латойифнома” тазкираларида зуллисонайнлик анъанаси деганда асосан форсий ва туркий тилларда ижод қилган шоирлар ва адиллар ижоди намуналари назарда тутилади. Чунки бу икки тазкирада асосан мазкур икки тилда ижод қилган шоирлар хусусида маълумот келтирилган. “Мажолис ун-нафоис”да форсий ва туркий тилларда ижод қилган 480 дан ортиқ шоир ва адилларнинг исмлари зикр қилинган бўлиб, булар орасида иккала тилда ҳам ижод қилганлар мавжуд. “Латойифнома”да эса “Мажолис ун-нафоис”даги шоирлардан ташқари яна 190 та шоирнинг исми келтирилган ва булар орасида ҳам зуллисонайн шоирлар кўп.

Мазкур икки тазкира муаллифлари, яъни Мир Алишер Навоий ва Фахрий Ҳиравийларнинг ўзлари ҳам машҳур зуллисонайн адиллар сирасидандирлар. Шунинг учун иккала тазкирада ҳам зуллисонайнлик анъанасига алоҳида эътибор қаратилган.

Калим сўзлар: Зуллисонайн, тазкира, “Мажолис ун-нафоис”, “Латойифнома”, Навоий, Фахрий, форсий, туркий, манба, қўлёзма.

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается выражение билингвальной (двухязычной) традиции в антологиях “Мажолис ун-нафоис” (Собрание избранных) и «Латойифнома». Известно, что двухязычие является одной из важнейших традиций в литературе тюркских и персидских народов. В нашей литературе даются сведения о многих поэтах, писавших на турецком и персидском языках. Билингвальная традиция в “Мажолис ун-нафоис” и «Латойифнома» относится в основном к произведениям поэтов и писателей, писавших в

основном на персидском и турецком языках. Потому что эти два тазкира (антология) содержат информацию о поэтах, писавших на этих двух языках. “Мажолис ун-нафоис” упоминает имена более 480 поэтов и писателей, писавших на персидском и турецком языках среди которых есть поэты которые писали на обоих языках. Помимо поэтов “Мажолис ун-нафоис”, «Латойифнома» упоминает еще более 190 поэтов, многие из которых являются известными двуязычными поэтами.

Ключевые слова: Двуязычный, тазкира, «Мажолис ун-нафоис», «Латойифнома», Навай, Фахри, персидский, турецкий, источник, рукопись.

ABSTRACT

The article deals with the expression of the bilingual tradition in the anthologies “Mazholis un-nafois” (Collection of the Chosen Ones) and “Latojifnoma”. It is known that bilingualism is one of the most important traditions in the literature of the Turkic and Persian peoples. Our literature provides information about many poets who wrote in Turkish and Persian. The bilingual tradition in “Mazholis un-nafois” and “Latojifnoma” refers mainly to the works of poets and writers who wrote mainly in Persian and Turkish. Because these two tazkira (anthology) contain information about the poets who wrote in these two languages. “Mazholis un-nafois” mentions the names of more than 480 poets and writers who wrote in Persian and Turkish, among which there are poets who wrote in both languages. In addition to the poets “Majolis un-nafois”, “Latoifnoma” mentions more than 190 poets, many of whom are famous bilingual poets.

Keywords: Bilingual, tazkira, "Mazholis un-nafois", "Latoifnoma", Nava'i, Fahri, Persian, Turkish, source, manuscript.

КИРИШ

Зуллисонайнлик - яъни икки тилда ижод қилиш узоқ йиллардан бери муҳим ижодий анъана сифатида намоён бўлган ва буюк шоиру адибларнинг икки халқ тили ва маданиятини тараннум этувчи асарларида ўз аксини топган. Қадим замонлардан ислом динини дунёнинг кўплаб мамлакатларига тарқалгани боис араб тили ва маданияти ҳам кенг тарқалган ва исломни қабул қилган халқлар ўз асарларини ҳам она тилларида, ҳам араб тилида ижод қилганлар. Йиллар ўтиб икки тиллилик, яъни зуллисонайнлик анъанага айланган. Араб ва форс тилларида ижод қиласидиган шоирлар ўз ижод намуналари билан машхур бўла бошладилар. Масалан, форс тилида ижод қиласидиган биринчи шоира Балхий тахаллуси билан машхур бўлган Робиа бинти Кааб аслида араб

саркардаларининг оиласида туғилган. Унинг оиласи Хуросонга кўчиб келиб Балх шаҳрида яшаган ва Робиа ушбу шаҳарда дунёга келган. Робиа Балхий араб ва форс тилларида ижод қилган зуллисонайн шоираларининг биринчиларидан ҳисобланади. Ундан ташқари кўплаб шоирлар ва олимлар ўз асарларини ҳам арабий ва ҳам форсийда яратганлар, масалан Ибн Сино, Умар Хайём ва бошқалар. Кейинчалик бу анъана форсий ва туркий тилларда ижод қиладиган шоирлар тарафидан давом эттирилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Ишда “Мажолис ун-нафоис” ва “Латойифнома” тазкиралари нусхалари ҳамда мавзуга оид асарлар ва илмий мақолалардан фойдаланилди. “Латойифнома” тазкираси нодир китоблар қаторига киради, чунки мазкур тазкира ҳалигача тўлиқ ўрганилмаган. Ушбу мақолада “Латойифнома”нинг бундан тақрибан бир аср олдин Покистонда чоп этилган нусхасидан фойдаланилди. Ушбу нусха араб алифбосига асосланган форс ёзувининг настаълик услубида ёзилган. Китобнинг бошланишида асар хусусиятига оид урду тилида ҳам қисқача маълумот берилган. Китоб Покистоннинг Панжоб универсиети профессори Муҳаммад Иқбол Мужаддадий саъй ҳаракати билан Милодий 1931 йили нашр қилинган. “Латойифнома”нинг бир нечта қадимий нусхалари мавжуд, аммо бу нусхалар жуда нодир ҳисобланади. Тазкиранинг энг янги нусхаси 2019 йил Эроннинг Фирдавсий университети ёш навоийшунос тадқиқотчиси Ҳоди Бедакий томонидан нашр қилинди. Буларнинг барчаси “Латойифнома”ни тадқиқ этиш учун жуда муҳим адабиёт ҳисобланади, аммо айни дамда биз фақатгина Муҳаммад Иқбол Мужаддадий томонидан Покистонда нашр қилинган нусхадан фойдаланиш имкониятига эгамиз.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Форсий ва туркий тилларда ижод қилувчи шоирларнинг энг буюк намояндаси бу шаксиз Мир Алишер Навоийдир. Маълумки, Навоийнинг форсий ва туркий тилларда битилган ижод намуналари дунё адабиётидаги энг сара ва энг самарали асарлар қаторига киради. Навоийдан олдин ҳам туркий ва форсий тилларда ижод қиладиган шоир ва ёзувчилар бўлган, аммо Навоийнинг заҳматлари ва мислсиз истеъоди натижасида икки тилда ижод қилиш анъанаси ғоят юксалди. Шу боис Навоийни форсий ва туркий тилларда ижод қилиш анъанасининг асосчиси, деб баҳоласак хато бўлмайди. Мир Ҳазратларининг икки тахаллус билан, яъни туркий асарларини Навоий тахаллуси билан ва форсий асарларини эса Фоний тахаллуси билан ижод қилганлари барчага

маълум. Аммо Навоийнинг зуллисонайнлик анъанаси ривожига қўшган ҳиссаси фақатгина Навоий ва Фоний тахаллуслари билан ижод қилган девонлари билан чегараланиб қолмайди. Зуллисонайнлик анъанаси Мирнинг барча асарларида ўз аксини топган, жумладан “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида. Маълумки мазкур тазкирада исмлари зикр қилинган шоирларни асосан форс тилида ижод қилганлар ҳамда туркий тилда ижод қиласан шоирлар ташкил этади. Булар орасида зуллисонайн шоирлар, яъни ҳам форсий ва ҳам туркий тилларда ижод қилган шоирлар ҳам кўп.

Тазкирани ўқиганда илк навбатда Мир Алишернинг мазкур икки тилни қай даражада мукаммал билғанлари сезилади. Бу икки тилнинг луғавий бойлиги ва нозиклигидан қандай моҳирона фойдаланганлигини айнан “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида кўришингиз мумкин. Мисол тариқасида “Мажолис ун-нафоис”нинг саккизинчи бобида Султон Ҳусайн Бойқарони таъриф ва тавсифида баён қилинган бир жумлани назардан кечирсан, бир жумланинг ўзида иккита тилнинг жозибадорлигини мужассам этадиган муҳташам маҳорат маҳсулини кўришимиз мумкин. “Султанат баҳрининг дурри яктоси, ва хилофат сипехрининг хуршеди жаҳонороси, саховат ҳавосининг абри гуҳарбори ва шижаот бешасининг ҳузабр шикори, адолат чаманининг сарви сарбаланди ва муруват маъданининг гавҳари аржуманди, кўшиш размгоҳининг Рустами достони ва бахшиш базмгоҳининг Хотами замони, фасоҳат илмининг нукта бирла сеҳрсози ва балоғат жаҳонининг диққат била муъжизапардози Султон ус-салотин Абдулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон”. Бу даражадаги баён қобилиятига эга бўлиш учун иккала тил, яъни ҳам форсий ва ҳам туркийни мукаммал билиш талаб этилади.

Мазкур икки тазкирада муаллифларнинг зуллисонайнлик қобилиятига эга бўлганликларидан ташқари бошқа зуллисонайн шоирларни ҳам тарғиб ва ташвиқ этилганлигини кўришимиз мумкин. “Мажолис ун-нафоис”нинг ўзида йигирмага яқин зуллисонайн шоирлар исмлари зикр қилинган. Буларнинг асосийлари Мавлоно Абулҳасан, Ҳаримий Қаландар, Мавлоно Тархоний, Мавлоно Лутфий, Мавлоно Яқиний, Мавлоно Билолий, Сайид Ҳасан Ардашер, Амир Шайх Суҳайлий, Мавлоно Осафий, Шерам (“Латойифнома”да Шерам Шағол деб ёзилган), Соқий, Бобур Мирзо, Сайид Аҳмад Мирзо, Султон Бадиuzzамон Мирзо, Шоҳ Фариб Мирзо, Фаридун Ҳусайн Мирзолар бўлиб, иккала тазкирада ҳам деярли барчаларининг ҳам форсча ва ҳам туркча шеърларидан намуна келтирилган. “Латойифнома”да таржима қилинган саккизта мажлисдан ташқари яна бир мажлис илова қилинган ва бу мажлисда

“Мажолис ун-нафоис”да зикр этилмаган 190 дан кўпроқ шоирларни исмлари келтирилган ва улар орасида бир қанчалари зуллисонайн шоир эканлиги таъкидланган ҳамда туркча ва форсча ижод намуналаридан мисоллар келтирилган. “Латойифнома”нинг ушбу бобидаги зуллисонайн шоирларнинг энг биринчиси Мир Алишер Навоийнинг ўзидир. Тўққизта қисмдан иборат бўлган ушбу мажлиснинг биринчи қисми Ҳазрат Навоийга бағишиланган. Муаллиф Навоийни таърифлар экан, албатта унинг илм аҳлига қилган беғараз кўмаги ва барча илм соҳаларига ружу қилган ёшларнинг парваришига берган эътиборини таъкидлаб ўтган. Бу орада албатта туркий ва форсий шеърият дунёсидаги мавқеига ҳам тўхталиб ўтган. Фахрий Навоийга оид қўйидаги гапларни баён қилган: “*Ва он миқдори бемислу нодир аз хаттоту хонандаву созандаву наққошу музҳибу муҳарриру муаммоиву шоир ки ба тарбияти ў дар нашъу намо омаданд маълум нест ки дар ҳеч замон чилвагар бошад. Ва ў низ аз фунуни ин ҷамоъат баҳраи тамом дошт, хосса дар шеъру шоирӣ ва пеши туркон хирадманди фозил ва тозизабонони туркидон комил, муқаррар аст, ки то бинои назми туркӣ шуда, мисли ў касе қадам дар он водӣ наниҳода, сарвари ин қаламрав ўст ва ўро дар миёни атрок қаринаи Мавлоно Абдурраҳмон медонанд*”¹.

Таржимаси: Унинг тарбияси остида нашъу намо топган хаттот, хонанда, созанда, наққош, музҳиб, муҳаррир ва шоирларнинг сони шунчалик кўп эдики бунақасини ҳеч бир давру замонда ҳеч ким кўрмаган эди. Ва ўзи жамият фанларидан тамомила баҳраманд эди, хоссатан шеър ва шоирликда турклар олдида фозил хирадманд ва туркчани биладиган тозизабонлар олдида комилдир, муқаррардирким туркий назм биноси бунёт этилгунга қадар бу водийга унга ўхшаган ҳеч бир киши қадам қўймаган, бу манзилнинг сарвари удир, уни атрок(турклар) орасида Мавлоно Абдурраҳмоннинг қаринаси, деб биладилар. Айтиш жоизки, Навоийга бу қадар юксак баҳо берган буюк алломалар ниҳоят кўпdir ва уларнинг асосий қисмлари форсигўй адиллар ҳисобланадилар. Бу эса икки халқ ўртасидаги муштараклик нишонасидир. Бошқа томондан қарайдиган бўлсак, Мир Алишер Навоий ва бошқа туркийзабон алломалар ҳам форс адабиёти намояндалари ва уларнинг асарларига юксак эҳтиром билан қараганлар. Алишер Навоийнинг бир қанча ғазаллари Ҳофиз Шерозий, Саъдий, Жомий, Румий каби форс шоирлари ғазалларининг татаббуида (илҳомланган ҳолда) ижод қилинган. Мирнинг жаҳоншумул “Хамса”си буюк форс-тожик

¹لطائف نامه خریپروی. مرتب محمد عقبال مجددی. نشریات دانشگاه پنجاب. پاکستان. ۱۹۳۱ میالدی

шоири Низомий Ганжавий “Хамса”сидан илҳомланиб ёзилган. Бундан ташқари бир қанча шоирлар борки форсий шеъриятдан илҳомланган ҳолда ижод қилғанлар. Бунинг натижасида икки халқ адабиёти бир-биридан ажралмас шаклда ривожланди. Ушбу муштараклик “зуллисонайнлик” анъанасининг ривожланишига муҳим омил бўлди.

Фахрий “Латойифнома”сининг тўққизинчи бобида Навоийдан кейин яна ўнлаб зуллисонайн шоирларнинг исмлари зикр қилинган. Булар қаторида Абулқосим Бобур ва Захириддин Муҳаммад Бобур, Мавлоно Маҳмуд, Мавлоно Мажлисий, Мавлоно Абдуллоҳ, Мавлоно Афсарий, Мавлоно Ишқий, Шоҳмуҳаммад Кўрчи, Мирзо Қосим, Мавлоно Хожакалон, Амир Рустамали, Султонмуҳаммад Бахши, Султон Масъуд Мирзо, Убайдуллоҳон ва бошқаларни айтишимиз мумкин.² Бу икки тилли шоирларнинг ҳар бирига ўзига хос тарзда таъриф берилган. Уларнинг туркий ва форсий назмда моҳир эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. “Латойифнома”нинг тўққизинчи мажлисидан жой олган зуллисонайн шоирларнинг бири Мавлоно Хожакалон бўлиб, унинг таърифини Фахрий шундай баён этган: “*Аз вилояти Андичон аст, мулозими маҳсус ва парвоначии Бобур Мирзо аст, бағоят хуштабъ ва ошиқпеша аст, назми туркӣ ва форсӣ нек мегӯяд*”.³

Таржимаси: Андижон вилоятиданdir, Бобур Мирзонинг маҳсус мулозими ва парвоначисидир, ғоят хуштабъ ва ошиқпешадир, туркӣ ва форсий назмни яхши айтади. Бу таърифдан сўнг унинг ижод намуналаридан икки байт келтирилган ва ушбу байтларнинг бири форсча ва иккинчиси туркчадир:

Надорам тоби дидан пеши он бадхӯ рақибонро
Аз он бо субҳи васли ў гузидам шоми сахроро.⁴

Туркӣ тилдаги ижод намуналаридан бири:

Ҳар кимга ки қўнглунг тиласа меҳру вафо қил,
Қўнглунг тилаган жавру жафо ёрли манго қил.⁵

Мирзо Бобурнинг мулозими бўлган ушбу шоирпеша инсоннинг таърифидан шуни тушуниб олишимиз мумкинки, Темурийлар салтанати даврида икки халқ, яъни туркӣзабон ва форсийзабон халқларнинг маданияти юксак даражада ривожланди. Темурийлар амирзодаларининг форс-тожик

²لطایف نامه فخری پهروی. مرتب محمد عقبال مجده. نشریات دانشگاه پنجاب. پاکستان. ۱۹۳۱ میالدی

³لطایف نامه فخری پهروی. مرتب محمد عقبال مجده. نشریات دانشگاه پنجاب. پاکستان. ۱۹۳۱ میالدی

⁴لطایف نامه فخری پهروی. مرتب محمد عقبال مجده. نشریات دانشگاه پنجاب. پاکستان. ۱۹۳۱ میالدی

⁵لطایف نامه فخری پهروی. مرتب محمد عقبال مجده. نشریات دانشگاه پنجاب. پاکستان. ۱۹۳۱ میالدی

адабиёти юксалишига қўшган ҳиссаларини минглаб мисоллар билан исботлашимиз мумкин.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Зуллисонайнлик анъанаси узоқ йиллардан бери давом этиб келаяпти ва адабиётнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Ҳар қандай адабиёт бевосита тилга боғлиқдир. Тил эса ҳар доим ўзгариб турадиган ҳодисадир. Тилнинг ўзгаришига бевосита бошқа тиллар ва замоннинг янгиланиши сабаб бўлади. Бунга албатта турли халқларнинг яшаш тарзи, урф одатлари, тили ва бошқа муҳим ҳаётий жиҳатларининг бирлашиши алоҳида ўрин тутади. Бир минтақада яшовчи бир неча миллат ва элатлар вакиллари албатта бир-бирларининг тиллари ва адабиётидан баҳраманд бўладилар. Форсий ва туркий тилларда сўзлашиб ижод қилган халқлар узоқ йиллардан бери ёнмаён яшаб келмоқдалар. XIV-XV асрларда Мовароуннахр ва Хуросонда яшаб ижод қилган шоир ва адиллар орасида форс-тожик ва туркий-ўзбек тилларини биладиган ва ушбу тилларда ижод қилган шоирлар жуда кўп. Ушбу зуллисонайн шоирлар хусусида батафсил маълумот берадиган ва айнан ушбу даврда икки тиллилик анъанасининг ривожланганлигини ёрқин баён эта оладиган асосий манба “Мажолис ун-нафоис” тазкирасидир ва унинг таржималаридир. Мазкур даврдаги зуллисонайнлик анъанасига доир муфассал тадқиқот олиб бориш учун биринчи навбатда Мир Алишернинг мазкур тазкираси ва барча таржималарини мукаммал ўрганиш, уларни транслитерация қилиш ва ўзбек тилига таржима қилиб ўзбек адаб аҳли эътиборига ҳавола этиш муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. لطایف نامہ۔ محمد عقباں مجددی۔ نشریات دانشگاہ پنجاب۔ پاکستان۔ ۱۹۳۱ میلادی۔
2. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993
3. Бертельс. Е.Э. Наваи и Джами. – Москва: Наука, 1965
4. Ғаниева С. “Мажолис ун-нафоис”нинг форсий таржималари” //Алишер Навоий ва форс-тожик адабиёти конференцияси материаллари. 2002, 30-январь.
5. Воҳидов. Р. “Мажолис ун-нафос”нинг таржималари/ масъул муҳаррир: Б. Валихўжаев. – Т.: Фан, 1984.
6. Муҳиддинов. М. Адабий анъана ва ижодий ўзига хослик. – Тошкент, Ўқитувчи, 1990.-85 б.
7. Болтабоев. Ҳ. Мумтоз сўз қадри. – Ташкент: Адолат, 2004. -192 б.

-
8. Салоҳий. Д. Навоийнинг Рум диёрига тухфаси// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2006 йил 3 февраль. №5(3834). Б. 4.; “Йатимат ад-даҳр” тадқиқот услуги ҳақида//Мутафаккир ва мумтоз шеърият. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро маркази” нашриёти, 2018. Б. 141-148.
 9. على اصغر حكمت. تذکرہ مجالس النفائس. کتابخانه منوچهری. تهران، ۱۳۴۳ش.
 10. هسامالدین راشدی. فخری و سه اثر او. مشهد، ۱۳۵۰.
 11. <http://navoi.natlib.uz>